



ИСЛОМ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

ИСЛОМ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

2-жилд

**АБУ-л-ЛАЙС аз-ЗОВАРИЙ –
– АЛАҚ СУРАСИ**

**Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёти
Тошкент – 2025**

УЎК: 28(031)
КБК 86.38я2
И 80

И 80 Ислом энциклопедияси [Матн] / – Тошкент: «Ўзбекистон халқаро ислом академияси» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2025. – 496 б.

Энциклопедияда Ислом арконлари, шаръий қонун-қоидалар, муқаддас қадамжолар ва масканлар, машхур масжидлар ва мадрасалар, ушбу диннинг тарқалиши ва равнақиға улкан ҳисса қўшган буюк шахслар, жумладан, саҳоба ва тобеъинлар, муҳаддис, фақиҳ, муфассир, мутасаввиф ва азиз-авлиёлар, Қуръон ва ҳадис ҳофизлари, таниқли уламолар ҳақида алифбо тартибида тизимли мақолалар берилган. Шунингдек, илмий-ижодий ҳамда маънавий-маърифий фаолияти жамоатчиликка номаълум бўлган алоҳида шахслар тўғрисидаги қимматли маълумотлар илмий муомалага киритилмоқда.

Ушбу энциклопедия кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 28(031)
КБК 86.38я2

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 09.03.2022 санадаги 1543-сонли
хулосаси асосида тайёрланди.*

ISBN 978-9910-930-91-1

© «Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2025

1994; *Мунис ва Осаҳий. Фирдавс ул-иқбол*. – Т.: «Янги аср авлоди», 2010. 91–92, 181, 197; *Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси*. – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2016. 12–14.

Ҳамидулла Болтабоев

АБУ ҒОЛИБ ЗОҲИД ас-СУҒДИЙ

أبو غالب زاهد السغدِي

Абу Ғолиб Зоҳид
ибн Абдуллоҳ ас-Суғдий
(ваф. 321/934)

Муҳаддис

Асли Муғкон қишлоғидан. Саҳиҳ ҳадислар ривоят қилувчи муҳаддис бўлиб, сиқа (ишончли) ровий сифатида шухрат қозонган. Абд ибн Ҳумайд, Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон, Самарқанд қозиси Муҳаммад ибн Аслам, Имрон ибн Ибрис ал-Истаҳний ва б.лардан ҳадис ривоят қилган.

Ад.: Нажмуддин ан-Насафий. *Самарқандия*. (Тарж. Усмонхон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Наби-хон ўғли). – Т.: «ЎЗМЭ ДИН», 2001. 22.

АБУ ҒУДДА, Абдулфаттоҳ

أبو غدة عبد الفتاح

Абу Зоҳид Абдулфаттоҳ ибн Муҳаммад
ибн Башир Абу Ғудда ал-Ҳолидий
ал-Қураший ал-Махзумий ал-Ҳалабий
(09.05.1917, Ҳалаб – 16.02.1997, ар-Риёз)

Ҳанафий фақиҳи, муҳаддис





Суриялик олим Абу Ғудданинг насаби саҳоба Ҳолид ибн Валид (р.а.)га бориб уланади. Шайх А.Ғ. ҳоз. Сурия давлатининг шим. қисмидаги Ҳалаб ш. «Жубай-

ла» маҳалласида дунёга келган. Отаси тўқувчилик б-н шуғулланган. Олимнинг хонадони шаҳар аҳли орасида илм ва тақво б-н танилган.

А.Ғ. илк таълимни Ҳалабдаги мадрасада бошлади. Сўнгра усмонийлар волийларидан бири Хусрав Пошо томонидан қурилган Хусравийя мадрасасида таҳсил олади. Илм масканини 1942 й.да аъло баҳолар б-н тугатиб, нуфузли таълим даргоҳларидан ҳисобланмиш Мисрдаги ал-Азҳар ун-тининг шариат факультетига ўқишга киради. 1948 й. ушбу факультетни тамомлаб, таълим беришга ихтисослашган араб тили факультетида ўқишни давом эттиради. Ўқиш давомида зийраклиги, зеҳнининг ўткирлиги ва фанларни мукамал ўзлаштириши б-н бошқа тенгқурларидан ажралиб туради. 1950 й.да ал-Азҳардаги ўқишни аъло баҳолар б-н тамомлаб, Ҳалабга қайтади.

1951 й.да Исломи тарбия мударрислиги учун ўтказилган мусобақада қатнашиб, юқори ўринни эгаллайди. Исломи тарбия фанидан 11 йил дарс беради. Бундан ташқари, мактаблар учун ўқув дарслик ёзиш ишларида ҳам қатнашади. Шунингдек, имом-хатиблар тайёрлайдиган даргоҳда сабоқ беради. Кейинроқ Дамашқдаги шариат факультетига мударрис этиб тайинланади. У ерда уч йил «Усул ал-фиқҳ», «Ҳанафий фиқҳи», «Мазҳаблар орасидаги қиёсий фиқҳ» фанларидан таълим беради. Ундан сўнг Ибн Ҳазмнинг маҳаллий фиқҳ энциклопедиясини тузишда ҳам иштирок этади. Бу қомус икки жилдда нашр этилган.

Шайх А.Ғ. ҳаёти мобайнида 100 дан ортиқ олимлардан дарс олган. Улардан Ҳалабда: Шайх Исо Баёнуний, Шайх Иброҳим ас-Силқиний, Шайх Муҳаммад ибн Иброҳим ас-Силқиний, Шайх Муҳаммад Роғиб ат-Таббох, Шайх Аҳмад аз-Зарқо, Шайх Мустафо ибн Аҳмад аз-Зарқо, Шайх Муҳаммад Рашид; Мисрда: Шайх Абдулмажид Дарроз, Шайх Абдулҳалим Маҳмуд, муҳаддис Аҳмад ибн



«Сафаҳат мин сабр ал-ғулам» асарининг ўзбек ва араб тилларидаги нашрлари

Муҳаммад Шокир, Шайх Хусайн Муҳаммад Махлуф, усмонийлар халифалигининг энг забардаст олимларидан Шайх Мустафо Собрий ва Муҳаммад Зоҳид Кавсарий каби замонасининг кўплаб алломаларини санаб ўтиш мумкин.

Шайх А.Ғ. кўплаб шогирдлар етиштирган, у кишидан таълим олганлар сони мингдан зиёдни ташкил этади. Машҳур муҳаддис олимлардан Шайх Муҳаммад Аввома, Нуруддин Итр, машҳур адиб Шайх Мажид ал-Маккий, ўткир воиз Ҳасан Қатражий ал-Лубноний ва Муҳаммад Рашид кабилар шулар жумласидандир. Ушбу олимларнинг энг сўнггиси Муҳаммад Рашид томонидан ёзилган «Имдād ал-Фаттāх би асāнīд ва марвиййāt аш-Шайх Абдилфаттāх» номли китобда А.Ғ.нинг илм олиш йўлида босиб ўтган қийинчиликлари, муваффақиятлари ва юздан ошиқ устозлари ҳамда шогирдлари ҳақида батафсил маълумот берилган.

А.Ғ. илмий анжуманлар ва б. турли тадбирлар муносабати б-н ўттиздан ортиқ давлатга сафар қилган. Дастлаб Шом ва унинг шаҳарларига, кейинчалик Европа, Африка ва Осиёнинг бир неча мамлакат-

ларига, жумладан: Иордания, Фаластин, Ироқ, Саудия Арабистони, Қувайт, Қатар, БАА, Баҳрайн, Яман, Миср, Эрон, Судан, Сомали, Тунис, Жазоир, Марокаш, Африканинг жан. минтақалари, Индонезия, Бруней, Ҳиндистон, Покистон, Туркия ва юртимиз Ўзбекистонга ҳам ташриф буюриб, Тошкент, Бухоро, Самарқандда қадамжолар, мадраса ва алломаларнинг қабрларини зиёрат этган. Бундан ташқари, Европа ва Американинг қатор давлатларида ҳам бўлиб, ушбу сафарлари мобайнида кўплаб талабаларга Ислом илмларидан ижозалар берган. Ўз навбатида, дунёнинг машҳур уламоларидан ҳам бир қанча илмлардан ижоза олган.

Турли давлатларга қилган сафарларида кўплаб уламолар ва улар томонидан ёзилган асарлар б-н танишиб, ушбу китобларнинг айримларига шарҳлар ҳам битган. Хусусан, Ҳиндистонга қилган ташрифларида бу диёрнинг ҳанафий олимларидан Абдулхай ал-Лакхнавий, Анваршоҳ ал-Кашмирий ва Зафар Аҳмад ат-Таҳонавий каби уламоларнинг илмий мерослари б-н танишиб, уларнинг баъзи асарларига шарҳ ҳамда изоҳлар

ёзган. У кишининг саъй-ҳаракатлари б-н Абдулхай ал-Лакхнавий, Анваршоҳ ал-Кашмирий ва Зафар Аҳмад ат-Таҳонавий каби олимларнинг китоблари араб диёрларига ҳам етиб борган.

Шайх А.Ғ. бутун ҳаёти давомида сермахсул ижод қилиб, Ислом илмлари бўйича кўплаб китоблар ёзди. Уларнинг баъзилари алоҳида рисола шаклида бўлса, баъзилари Ислом оламининг энг мўътабар олимлари асарларига шарҳ сифатида битилган. Олимнинг сийрат, ҳадис, *фиқҳ*, *калом* илмларига, уламолар ҳаётига доир асарлари китобхонлар орасида жуда ҳам машҳур. Фарзандларидан бирининг сўзига кўра, Шайх А.Ғ. 70 дан зиёд асар ёзган.

А.Ғ. машҳур замондош олимлар томонидан юксак эътирофларга сазовор бўлган. Жумладан, аллома Мустафо ибн Аҳмад аз-Зарқо олим ҳақида шундай дейди: «Абдулфаттоҳ Абу Ғудда илм, фазилат ва узоқни кўра билишда тенгсиз олим эди. У сулуки ва ахлоқида ажойиб намуна бўла олди, унга ўхшаши камдан-кам дунёга келади».

Шайх Абу-л-Ҳасан Али ан-Надавий «*Сафаҳāt мин сабр ал-ъуламā*» китобининг иккинчи нашрига ёзган тақризида куйидаги мақтов сўзларни айтган: «Шайх Абдулфаттоҳ ҳақиқий мураббий, раббоний олимдир. У ҳимматининг юксаклиги, узоқни кўра билиши ва шаръий илмларда кенг қамровлиги б-н салафи солиҳ, улуғ *мужтаҳид* олимларни эслатувчи етук олимдир».

Карачидаги шаръий маҳкама қозиси, «Дор ал-ъулум» мадрасаси мударриси, Жидда ш.даги *Ислом фиқҳи академияси* аъзоси аллома Муҳаммад Тақий Усмоний: «Абдулфаттоҳ Абу Ғудда аллома, муҳаққиқ, муҳаддис олим бўлган. Илмининг денгизмонандлиги ва кучли фаҳм эгаси бўлганидан ўхшаши йўқ олим эди. Шайх бир кўришдаёқ яхши кўриб қолинаниган даражада очиқ чехрали, мулоқим сўзли, одамларни ўзига жалб қила

оладиган ажойиб табиатга эга инсон эди», – деган.

Аллома Муҳаммад Аввома айтади: «Шайхимиз, аллома, кўплаб талабалар мураббийси, устозлар устози Абдулфаттоҳ Абу Ғудда, у зот б-н учрашиш учун сафар қилиб келинадиган, илми ва адабидан кўплаб манфаат олинадиган, асримизнинг илмда устунларидан бир устун бўлган».

1996 й. Шайх А.Ғ. кўзларида хиралик ҳис қилиб, даволаниш учун Ҳалаб ш.дан ар-Риёзга борган. Орадан бир оз муддат ўтгач, 1997 й. 16 фев. (1417 ҳ.й., 9 шаввол), якшанба куни бомдод пайтида, 80 ёшда вафот этган. Пешин *намозидан* кейин ар-Риёздаги масжидда жанозаси ўқилган. Сўнгра махсус самолётда оиласи б-н Мадинаи Мунавварага олиб борилган ва у ерда ҳам хуфтон *намозидан* кейин жаноза *намози* ўқилиб, *Бақиъ қабристони*га дафн этилган.

А.Ғ. ҳаётлик вақтида нашр этган китоб, рисолаларидан ташқари ниҳоясига етмаган бир нечта китоб ва мақоалари ҳамда охирига етказилган, аммо нашр этилмаган китоблари мавжудлиги аниқланмоқда.

Ас.: «*Ламаҳāt мин тарīх ас-сунна ва ʼулум ал-ҳадīs*».

«*ал-Иснād мин ад-дйн*». Ушбу китобда илмда исноднинг аҳамияти, ҳадис етказиш ва уни ривоят қилишда муҳим ҳисобланган омиллар ҳақидаги маълумотлар батафсил ёритилган.

«*Сафҳа мушриқа мин тарīх симā ал-ҳадīs*».

«*ас-Сунна ан-набавийа ва байāн мад-лўлиҳā аш-шаръий ва-т-таъриф би ҳāl Сунан ад-Дāракутнӣ*».

«*Таҳқйқ исмай ас-Саҳйҳайн ва исм Жāмиъ ат-Тирмизӣ*». Мазкур китобда Имом ал-Бухорий, Имом Муслим ҳамда Имом ат-Термизийнинг ҳадис тўпламларига ат-Термизийнинг номлари ва бу номларнинг кўйилиш сабаблари ҳақида сўз юритилади.



«Мин адаби-л-Ислām» китобининг ўзбек тилидаги таржимаси. Тошкент ш.

«Ахтā ад-дуктўр Тақийийддйн ан-Надавй фй таҳқйқ китāб Зафар ал-амāнй». Муаллиф мазкур китобда Абдулҳай ал-Лакҳнавийнинг «Зафар ал-амāнй би шарҳ мухтасар ас-Саййид аш-Шарйф ал-Журжāнй фй мусталаҳ ал-ҳадйс» асари таҳқиқида Тақиййуддин ан-Надавй томонидан йўл қўйилган хатолар ҳақида сўз юритади.

«Масъала халқ ал-Қуръāн ва асаруҳā фй суфўф ар-рувāt ва-л-муҳаддисйн ва кутуб ал-жарҳ ва-т-таъдйл. Муаллиф ушбу китобида Қуръон ҳақидаги баҳсларнинг ровийлар ва муҳаддислар ишончилигини аниқлашдаги таъсири ҳамда жарҳ ва таъдил илмига оид китобларда акс этиши ҳақидаги мавзуларни баён қилади.

«Умарā ал-муъминйн фи-л-ҳадйс». Ҳадис илмида забардаст саналган муҳаддислар ҳақидаги китоб.

«Хутба ал-ҳāжа лайсат сунна фй мустаҳал ал-кутуб ва-л-муаллафāt». Асарда Носируддин ал-Албоний қарашларига раiddиялар келтирилган.

«ал-Уламā ал-ъуззāб аллазйна āсару ал-ъилм ъалā аз-завāж». Олим мазкур китобда илм-фанга ўзини бағишлаган ва бунинг натижасида оила қуришга имкон топа олмаган олимлар ҳақида сўз юритади.

«Тарāжим ситта мин фуқаҳā ал-ъāлам ал-ислāmй фи-л-қарни-р-рāбиъ ъашар ва āсāруҳум ал-фиқҳиййа».

«Сафаҳāt мин сабр ал-ъуламā ъалā шадāид ал-ъилм ва-т-таҳсйл». Китобда илм олиш йўлидаги қийинчиликларга сабр қилган уламолар ҳаётига оид ибратли воқеалар зикр этилади. Мазкур китоб ўзбек тилига таржима қилиниб, «Олимларнинг илм йўлида чеккан машаққатлари, кўрсатган сабр-матонатлари битилган саҳифалар» номи остида нашр этилган.

«Қийма аз-заман ъинда-л-ъуламā». Ушбу китобда вақтнинг қадри ва ўтмишда яшаб, кўплаб асарлар битган машхур уламолар ҳаётидан вақтни қадрлашга доир мисоллар ва уларнинг қимматли насиҳатлари келтирилган. Китоб ўзбек тилида «Уламолар наздида вақтнинг қадри» номи остида нашр этилган.

«Манҳаж ас-салаф фи-с-суāl ъан ал-ъилм ва фй таъаллум мā йақāъ ва мā лам йақāъ».

«Намāзиж мин расāил ал-аимма ас-салаф ва адабиҳум ал-ъилмий»; «ар-Расўл ал-муъаллим саллаллāх ъалайҳ васаллам ва асāлйбуҳ фи-т-таълйм».

«Мин адаби-л-Ислām». Мазкур рисолада ўттиздан ортиқ одоблар, ҳадис ва уламолар сўзлари асосида ёритиб берилган. Рисола ўзбек тилида «Мусулмоннинг 35 одоби» номи остида нашр этилган.

«Калимāt фй кашф абātйл ва ифти-рāйт». Бу китоб Носируддин ал-Албоний ва Зухайр аш-Шовиш кабиларнинг А.Ғ. ҳақидаги айбловларига жавоб ўлароқ ёзилган.

«Аййухā ал-мустамийъ ал-карйм». Алломанинг радиоёшиттиришларда қилган чиқишлари ўғли Муҳаммад Зоҳид томонидан тўпланиб, китоб ҳолида чоп этилган.

Шу б-н бирга А.Ғ. бир қанча олимларнинг асарларини таҳқиқ қилиб, нашр этишга муваффақ бўлган:

Анваршоҳ Кашмирийнинг «*ат-Тасрīх бимā тавāтар фī нузўл ал-Масīх*» асари таҳқиқи. Китобда қиёматга яқин Исо (а.с.)нинг Ер юзига туширилиши масаласига оид хабарлар атрофлича ўрганилган.


Ибн Абу Зайд ал-Қайравонийнинг «*ал-Ақйда ал-ислāмиййа аллатī йунашшау ʔалайхā-с-сиғār*» асари таҳқиқи.

Тоҳир ал-Жазоирийнинг «*Тавжīхан-назар илā усўл ал-асар ва-т-тибйāн ли баʔз ал-мабāхис ал-мутаʔаллиқа би-л-Қурʔāн ʔалā тарīқ ал-итқāн*» асари таҳқиқи.

Зафар Аҳмад ат-Таҳонавий қаламига мансуб «*Иʔлā ас-сунан*» асарининг муқаддимаси ҳисобланган «*Қавāид фī ʔулўм ал-ҳадīs*» асари таҳқиқи. Ҳадис илмига оид *жарх ва таʔдил* истилоҳлари, уларнинг қонун-қоидалари, ҳанафийларнинг ҳукм олишда ҳадисга ёндашувини ўрганишда муҳим манба ҳисобланган мазкур асарга А.Ғ. яна ҳам тушунарли ва мукамал изоҳлар келтирган.

Имом аз-Заҳабийнинг «*ал-Мўқиза фī ʔилм мусталах ал-ҳадīs*» асари, Али ал-Қорийнинг «*ал-Маснўф фī маʔрифа ал-ҳадīs ал-мавзўʔ*» асари, Ибн ал-Қаййим ал-Жавзийнинг «*ал-Манār ал-мунīф фī ас-саҳīх ва-з-заʔīф*» асари, Абдул-азим ал-Мунзирийнинг «*Жавāб ал-Ҳāфиз Абī Муҳаммад Абдулʔазīm ал-Мунзирī ал-Мисрī ʔан аʔила фи-л-жарх ва-т-таʔдīл*» асари, Имом ат-Таҳовийнинг «*ат-Тасвиййа байн ҳаддасанā ва ахбаранā ва зикр ал-хужжа фīх*» асари, Муҳаммад ибн Аҳмад Биннийс ал-Фосийнинг «*Рисāла фī жавāз ҳазф қāl ʔинда қавлиҳим ҳаддасанā*» асари, Сайфуддин Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Хазражийнинг «*Хулāса тазҳīb таҳзīb ал-камāl фī асмā арижāl*» асарлари таҳқиқи. А.Ғ. мазкур асардаги баʔзи хатоликларни кўрсатиб, уларга тузатишлар киритган.

Ибн Ҳажар ал-Асқалонийнинг «*Лисāн ал-мīзāн*» асари таҳқиқи. А.Ғ. мазкур



Ҳорис ал-Муҳосибийнинг «*Рисāла ал-мустаршидīн*» асари шарҳининг таржимаси. Тошкент ш.

асар устида ўн йил тадқиқот олиб бориб, тўрт бўлимдан иборат муқаддима битган.

Абдулҳай ал-Лакҳनावийнинг «*ар-Рафʔ ва-т-такмīл фи-л-жарх ва-т-таʔдīл*» асари таҳқиқи. Мазкур китоб А.Ғ.нинг узоқ изланишлари натижаси бўлиб, олимнинг энг муҳим асари ҳисобланади. 30 саҳифага яқин ҳажмга эга асар А.Ғ.нинг изоҳ ва шарҳлари б-н 564 саҳифада нашр этилган.

Ҳорис ал-Муҳосибийнинг «*Рисāла ал-мустаршидīн*» асари шарҳи. Тасаввуф илмига бағишланган ушбу китоб ўзбек тилига «*Рисолатул мустаршидийн*» («Ҳидоят изловчилар рисоласи») номи остида таржима қилиниб нашр этилган.

Ад.: Салмон Абу Гудда. «*Сафаҳāt мин сабр ал-ʔуламā ʔалā шадāид ал-ʔилм ва-т-таҳсīл*». – Байрут: «Мактаба ал-матбуʔот ал-исламиййа» 2003, 9–36; Али ал-Ҳошимий. «*аш-Шайх Абдулфаттāх Абū Гудда камā ʔарафтух*». – Байрут: «Дор ал-башонр ал-исламиййа», 2004, 1–184; Muhammet Beyler. «*Ebū Gudde, Abdūlfettāh*». TDV İA. – İstanbul: 2016. EK-1, 362–364; А.Муротов, Д.Мустафоев. «*Мусулмоннинг 35 одоби*». – Т.: 2018.

Достон Мустафоев,
Абдушукур Муродов